

Оилавий бизнес — ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарали шакли

Давоми. Боши 1-бетда

Оилавий бизнеснинг ижтимоий вазибалари авваломбор, моддий бойликларни яратишда оила аъзоларининг ҳиссаси ва бу бойликларни тақсимлаш механизмлари боғлиқ бўлмаслигида намоён бўлади. Бошқача айтганда, оилавий бизнесдан олинган даромадлардан баъзида унда иштирок этиш улуши кам бўлган ёки умуман иштирок этмаётганлар оила аъзоларининг манфаатлари учун фойдаланилиши мумкин. Бу борада энг муҳими шундаки, даромадларни тақсимлашнинг бундай тизими оила манфаатларига тўлиқ мос бўлиши керак, албатта.



Оилавий корхона барча параметрлар бўйича кичик бизнес субъекти мақомига эга бўлади. Бу ерда фақат иш билан банд ишчилар сони назарда тутилмастган йўқ. Оилавий корхона ўзгарувчан, ихчам, бозор конъюктурасига тез мослашувчан, янги техника ва технологияларни тез ўзлаштири оладиган мўъжазгина корхона ҳисобланади. Аънаанага кўра, унинг асосий соҳалари хунармандчилик, чеварлик бўлса, оилавий бизнес менежерларининг эҳёи ўткирлиги ва тадбиркорлиги уларга янги турдаги товарларни ишлаб чиқариш, бозорда талаб юқори бўлган ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Оилавий корхона мулкнинг ҳуқуқий режимини белгилашда оилада умумий фойдаланиладиган мулк объектлари ва оилавий корхона мулкни фарқлаш лозим. Шунинг эътибори ўтиш жоизки, зарурат туғилганда кредиторлар талаблари бўйича ундириладиган пул ҳеч қачон умумий фойдаланиладиган оила мулкига эмас, балки оилавий корхона низом жам-

гармасига йўналтирилиши мумкин. Бу борада оиланинг бундай оқибатлар учун қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга маълум бир шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, оиланинг бундай ваколат-эга бўлмаган бошқа аъзолари бундай масъулиятни ўз зиммасига олмаслиги керак.

Айни пайтгача оилавий тадбиркорлик яқка тартибдаги тадбиркорлик замирида ривожланиб келди. Бундай шаклдаги оилавий бизнес ўз атрофида бошқа аъзолар ҳам жипслашадиган оила аъзолари (эр ёки хотин) бундай фаолиятни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланган тақдирдагина мувофиқ бўлади. Ушбу яқка тартибдаги тадбиркор бундай бизнеснинг асосий менежери, ишчиси, юридик субъекти ҳисобланади. Оиланинг бошқа аъзолари кўшимча вазибаларни бажаради.

Маҳалла институти орқали аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш кўп жиҳатдан ҳудудда ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий

дан, бу ерда истиқомат қилувчиларни оилавий тадбиркорликка жалб қилишдан бошланади ҳам дейиш мумкин.

Бугунга келиб, Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни юритиш ва ривожлантириш жараёнининг янги босқичи вужудга келмаётгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур фаолиятнинг амалга оширилиши нафақат келажакда оила ривожига, балки мамлакат тараққиётига ҳам хизмат қилади.

Президентимиз Ислоом Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номи дастурий маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли (оилавий бизнес) миллий аъналаримизда, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд мақбул ва манзур ҳолатига тўла мос келади.

Ўзбекистонда халқимизнинг энг яқин миллий аъналарини қайта тиклаш, жумладан, одамларда хунармандчилик ва ҳусусий бизнес юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу борада оилавий бизнес ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ана шу кўникмаларини қўллаш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашадиган самарали ташкилий-ҳуқуқий шакл бўлиб хизмат қилиши, шаксис.

Бир сўз билан айтганда, оилавий бизнес иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ҳуқуқий қароқларини қўлайитиришга, иқтисодий турли соҳаларда бизнеснинг жадал ривожланишига ҳамда янги иш ўринлари очилишига туртки бериши, шубҳасиз. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш маҳалла-



Қонун лойиҳалари инсон манфаатларига хизмат қилсин

Давоми. Боши 1-бетда

Қонун лойиҳаси меҳнат стажини ҳисобга олиш, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини бериш, пенсияларнинг тайинлини, қайта ҳисобланиши ҳамда тўла-тўлиқ шартлари ва тартиби масалалари бўйича пенсия қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали фуқаролар пенсия таъминотининг амалдаги тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутди.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан афрофлича кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасига кўра, Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар фақат айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабранувичи берган шикоят бўйича қўзғатилиши ва муайян ҳолларда эса прокурор жабранувичини шикоятсиз ҳам жиноят ишчи қўзғатиши шартлиги назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳаси "ҳусусий — ошқоравий айблов" институти янада такомиллаштириш имконини беради. Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддасига асосан тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар қаторига боғжона органлари ҳам киритилмоқда.

Таъкидландики, мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишдан сўнг маъсул кўмитада афрофлича кўриб чиқилди. Муҳокамаларда билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида иккинчи ўқишга тайёрланди.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 283 ва 291-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси асосида депутатлар ўзгартишларда, — деди Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси А.Раҳмонов, — ИХХББ ходимлари томонидан қоидабузар автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига йўл ҳаракати қоидаларини бузилган жойда жарима солиш ва уни ундириш имкониятига тўлиқ йўл қўймаслик назарда тутилмоқда.

Муҳокамалар асосида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди. — Дарҳақиқат, ушбу қонун лойиҳасини қабул қилиш, — деди фракция аъзоси С.Турсунов, — йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини бузиш билан боғлиқ қоидабузарликларга қарши курашни кучайтириш ишларидаги жавобгарлигини ошириш имкониятини беради. Энг асосийси, транспорт коммуникацияларда

қоидабузарликларнинг олдини олиш ва авария ҳолатларини камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қондан бузган пиёдаларга солинадиган жаримани ўз вақтида ундиришни таъминлаш мақсадида ИХХББ ходимларида фақат ана шундай қоидабузарлик ҳолатида жарима ундириш ҳуқуқи қолдирилмоқда.

Бундан ташқари, ички ишлар органларига тўхташ ва тўхтаб туриш қоидаларини бузганлик учун транспорт воситаларини ушлаш ҳуқуқи ҳам берилмоқда.

"Ер ости бойликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 26 ва 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда депутатлар ҳуқуқига ҳавола этилди.

Адолатлилик гоёси — барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутатлар қонунчилик фаолиятининг асосий ва бош йўналишларидан. Шу нуктага назардан фракция аъзолари қонун лойиҳаларининг долзарб-лигини алоҳида эътибор эътан ҳолда, партия электорати манфаатлари инобатга олиниб, қонун лойиҳаларининг янада такомиллашувига хизмат қилувчи фикр ва тавсиялар берилди ва уларни маъқуллашди. Йилгилиш сўнггида фракция нуктага назари белгилаб олинди.

Ижтимоий ҳимоя

давлат ва жамият олдидаги устувор вазифа

Давр талаби

Илҳом ВАҲОБОВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Самарқанд вилояти, Самарқанд туман бўлими бошлиғи.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ давлат қурилиши дустури ва Ўзбекистонни иқтисодий ислоҳ этишининг бутун ўзагини — мамлакатимиз Президентини томонидан ишлаб чиқилган беш асосий тамойил ташкил этди. Унда аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишда фуқароларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучли чора-тадбирларини олдиндан амалга ошириш лозимлиги алоҳида қайд этилди. Ижтимоий ҳимоя ва қароқларнинг таъсирчан механизми яратилишига катта эътибор берилди, ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилди.

Мазкур ижтимоий ҳимоя тизими асосида аҳолининг турли қатламларига қатъий таъминлаш ҳолда ёндашув, ижтимоий ёрдамнинг мақсадли таснифи, манзиллилиги ва уни амалга оширишда давлат билан бир қаторда қорхоналар, ижтимоий ташкилотлар, шу жумладан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хайрия фондлари ҳамда бошқа нодавлат жамғармалар фаол иштироки кўзда тутилди. Натيجида, ижтимоий ҳимоянинг ҳаракатдаги тизими — аҳолининг турли гуруҳлари томонидан олинган даромадларни давлат томонидан тартибда солиш йўли билан тенгсизликнинг кескин қучайишига барҳам берди. Хусусан, кам даромадли, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг юқори даромадли қатлами даромадларининг юқори чегарасини чеклаш учун турли ижобий ёндашувлардан фойдаланилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш: • пенсиялар, стипендиялар ва бюджет соҳаси ишчилари иш ҳақининг минимал даражаларини мунтазам ошириб бориш; • кам таъминланган болали оилаларга пул нафақаларини мунтазам бериб бериш шаклида манзилли ижтимоий қўллаб-

қувватлаш каби асосий йўналишлардан иборатдир.

Жорий йилнинг 31 майида Президентимиз томонидан «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш» йўналишидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорининг қабул қилиниши — соҳада бажарилиши лозим бўлган ишлар қўламини янада кенгайтирди ва халқимизнинг инсонпарварлик фазилатлари ҳуқуқий базасини тобора мустаҳкамлаш зарурияти борлигини кўрсатди. Қарорда соҳа вакиллари аниқ кўрсатмалар, вазибалар белгилаб берилди: ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар асосида фаолият олиб боришнинг аниқ йўллари белгиланди. Жумладан, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг мейёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ижтимоий хизматлар турларини кенгайтириш, сифатини ошириш каби ишлар қўламига ойдинликлар киритилди.

Дарвоқе, ёрдамга муҳтож ҳар бир фуқарога хизмат кўрсатиш,

уни ўз ҳимоясига олиш ва ҳуқуқий, ижтимоий мавқеини таъминлаш — давлатимизнинг асосий вазибаларидан бири сифатида эътибор этилиб, бу йўлда охириги ўн йил ичида жуда катта ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу шубҳасиз, халқимизнинг бағрикенглиги, Халқимизнинг сая-ҳаракатлари натижасидир.

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш, уларнинг уюшган ҳолда дам олишлари, мулоқотда бўлишлари учун жамоат марказларини ташкил этиш, у ерларда хайрия кечалари, концертлар ва бошқа маданий-оммавий тадбирлар уюштириш каби ишларнинг самарали олиб борилаётгани бугунги кунда жуда қувонарли ҳолдир. Мазкур қатлами манзилли ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, хусусан, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби жараёнлар мамлакатимизда уларни қўллаб-қувватлашда жуда катта аҳамият

маиший шароитларни яқшилашда шубҳасиз, катта роль уйнади.

Буларгина эмас, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни давлат назаридан четда қолдирмаслик ва одамларнинг моддий аҳолини янада яқшилаш учун яна бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиндики, пировардида, республикада аҳолига ижтимоий кўмак беришнинг мутолқ янги замонавий тизими вужудга келди. Шу йилнинг 8 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш» йўналишидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарорининг моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазибалар ҳақида» мавзусида семинар бўлиб ўтгани ҳам мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тамойилнинг изчил амал қилаётганини билдиради.

Муҳтасар айтганда, ижтимоий йўналтирилган бозор икти-

Судлар — ҳуқуқий ҳимояда мустақил орган

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида олиб борилган ислохотлар ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалда жорий этиш баробарида суд ҳокимиятини мустақил ҳокимият сифатида эътибор этилиши лозимлигини белгилаб берди. Натيجида, суд ҳокимияти бошқа ҳокимиятлар ва давлат органларидан ажраган ҳолда мустақил тарзда фаолият олиб борувчи орган сифатида шаклланди. Шу билан бирга олиб борилган изчил суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида суд органлари инсонларни жазоловчи орган сифатида эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилувчи орган сифатида фаолият юрита бошлади. Шунингдек, ҳар қандай тарзда ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган шахснинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи қафолатланди.

Ваколатли мақом

Қамола МИРШАЕВА, Азизахон АЛЛАНОВА, Тошкент давлат юридик институтининг I босқич магистрантлари.

Конституцияимизда суд ҳокимиятининг ҳуқуқий мақоми белгилаб берувчи алоҳида боб мавжуд бўлиб, ўз навбатида суд органларининг ваколатларини белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қўллаб-қувватлаш ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Мустақилликда ўтган давр бойидаги дастлабки тергов босқичида суд назоратини қучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилиши алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада "Хабас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни, 2008 йилдан эътиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принци-

пиал қадам бўлди. "Хабас корпус" акти умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларидан бири бўлиб, унинг нормалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги ва унинг ҳуқуқлари фақат суд қарори билангина чекланиши мумкинлигини эътибор этади. Шу маънода, эътиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги ҳақиқат механизмидир. Зеро, шахсни қамоққа олиниши уни жамиятдан ажратиб қўйди, яъни, шахс ўз эркинлигини йўқотиб, ҳуқуқ ва эркинлигидан маҳрум бўлади.

Эътиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги ҳақиқат механизмидир. Зеро, шахсни қамоққа олиниши уни жамиятдан ажратиб қўйди, яъни, шахс ўз эркинлигини йўқотиб, ҳуқуқ ва эркинлигидан маҳрум бўлади.

Ўртбошимизнинг ислохотларини янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг

қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" дастурий маърузасида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва мамлакатимизда "Хабас корпус" акти нормаларини қўллаш янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилди. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўланадиган чоралар, яъни, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилди. Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини қучайтириш, янада процессида "Хабас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда халқаро ҳуқуқ нормаларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Суд органларининг инсон ҳуқуқларини таъминловчи муҳим орган сифатида доираси кенгайиб бориши — унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти самарали бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Биз соғлом кучларимиз билан фахрланамиз

Ҳамкорлик

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, «Adolat» мухбири.

Спорт — соғлиқ, гўзаллик ва нафосат демокдир. Асосий орауимиз бўлиш — баркамол авлод тарбиясига ҳам энг аввало, спортга ошно бўлган соғлом авлод орқали эришилади. Ўзбекистонда ёшларни соғлом турмуш тарзи, оммавий спорт ва жисмоний тарбия билан шугулланишга кенг жалб этиш борасида олиб борилаётган улкан ишлардан қўзланган энг олий мақсад ҳам — жисмонан ва маънан баркамол авлодни тарбиялашдир. Айтиш жоизки, бугунги кунда ушбу мақсадда нафақат давлат органлари, балки фуқаролик жамияти институтлари бўлган жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар, қолаверса, ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг ҳам роли тобора ошиб бораётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Марказий аппаратида Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси билан ҳамкорликда бўлиб ўтган «Белбоғли кураш — Ўзбекистон «Адолат» СДП этиборида» мавзусидаги давра суҳбати навбатдаги ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Унда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, Тошкент вилоят кенгаши вакиллари ва Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси марказий ҳамда ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, спортчилар иштирок этдилар.

— Биз ўз сайловолди дастурида халқимиз орасида азалдан қадрланган келган миллий ҳамда маданий аъёнларимизни «бирдамлик» ва «бағрикенглик» тамойиллари асосланган ҳолда кўз қорачигимиздек асраб авайлаш ва уларни келажак авлодга етказишни устувор вазифалардан бири сифатида белгилаганимиз. — деди анжуманда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров юртимизда спорт соҳасида олиб борилаётган ишларга, шунингдек, партия ҳамда Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари хусусида сўз юритди. — Мазкур федерация билан ҳамкорлигимиздан асосий мақсад ҳам беш минг йиллик тарихга эга, энг қадимий спорт турларида бири бўлиш белбоғли курашнинг оммавийлашуви, унинг халқимиз орасида янада кенг томир отишида кўмаклашиш ва ўсиб келаётган ёш авлодни мазкур спорт турига жалб этишдан иборатдир. Қувонарли жиҳати шундаки, 50 мингдан ошдиқ полвонларига эга Белбоғли кураш федерациясининг кўпчилик спортчилари бугун айнан бизнинг партияимиз аъзолари бўлиб, сафларимиз фақат сонда эмас, сифат жиҳатдан ҳам баркамол аъзоларга кўпайиб бораётганлигидадир.

— Азал-азалдан сайлар, тўйлар, муҳим иқтисодий тадбирлар ҳам полвонлариз ташкил этилган. Хар бир тадбирда албатта, ушбу полвонлар беллашувига кенг ўрин ажратилиб, йиғилган оғирни муносиб ҳимоя қилганлар маҳорати оқори баҳоланган, — дейди Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси президенти Равшан Дастиров. — Мамлакатимиз мустақиллиги ҳамда Юртимизнинг раҳнамолигида спортга берилаётган юксак эътибор самараси ўлароқ, жисмоний тарбиянинг бошқа турлари қатори белбоғли кураш турига ҳам катта аҳамият берилмоқда. У миллий спорт ўйини сифатида жойларда кенг оммалашган спорт ўйинлари қаторида маънавий фаоллаштириб бормоқда ва пировардида, «Универсиада» ва «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари дастуридан мустаҳкам ўрин олди. Юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий, қулай шарт-шароитларнинг яратилиши натижасида ёшларимизнинг мазкур йўналишга қизиқиши ортиб, янги-янги полвонларини кашф этишга муваффақ бўлмоқдамиз. Жаҳон ва Осиё чемпионатларида, халқаро турнирларда терма жамоамиз аъзолари муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз байроғини беланд кўтариб келишмоқда, минтақавий ва халқаро мусобақаларда юқори ўринларни забт этишяпти. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, «Адолат» партияси билан ҳамкорлик алоқаларимиз ва уларнинг амал қилмаги бизга катта туртки бўлмоқда. Сабаби, партия наشري — «Адолат» газетасида полвонларимиз билан уюштирилган суҳбатлар, суратли лавҳалар спортчиларимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, эл-юрт обрўси учун курашишларида руҳий мадад бўлмоқда.

Мана бу йил Астрахань ва Бишкек шаҳарларида бўлиб ўтган белбоғли кураш спорт тури бўйича ўйинларда ҳам фахрли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлдик, — давом этди у. — Партия билан ҳамкорликда олиб борилган изчил тарғибот-ташвиқот ишларининг натижасига кўра мактаб ҳатто бочка ёшидаги боласини етаклаб келаётган ота-оналар сонининг кундан-кунга ортаётгани ҳақида хабарларни ҳам ҳудудий бўлинимларимиз орқали ҳар кун эшитиб тура-миз ва белбоғли курашимиз оммавийлашиб бораётганидан бошимиз осмонга етмоқда.

Юксак кўтаринки кайфиятда ўтган тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Қ.Жўраев сўзга чиқиб, «Баркамол авлод — кучли фуқаролик жамиятининг мустаҳкам таянчи» мавзусида маъруза қилган бўлса, Олий мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ф.Омонова «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши кўмаги билан «Shine-Art» бадий уюшмаси ва Тошкент вилояти «Баркамол авлод» маркази томонидан пойтахтимизда «Ўзбекистон халқининг тарихий либослари» мавзусида кўйрақлар кўрғазмаси ташкил этилди.

Ўзликни англашда болалар ҳиссаси

Маънавият

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда уюштирилган мазкур тадбир мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ходимлари, маданият, санъат соҳаси вакиллари, журналистлар иштирок этди.

барчани бирдек қизиқтириши, табиий.

Этиборли жиҳати, кўрғазмада иштирокчилар эътиборига ҳавола этилаётган либосларнинг аксарияти Тошкент вилояти «Баркамол авлод» марказида дизайнерлик, рассомчилик ва умуман маданият соҳасида кўшимча билим ҳамда кўникма олаётган ёш авлод вакиллари томонидан ишланган. Улар орасида мамлакатимизда тинч-тотув, баҳамжиҳат истиқомат қилиб келаётган бошқа миллат ва эллар вакиллари ҳам учратиш мумкин. Ягона замин, ягона тарих ва маданиятга эга халқларнинг либослари ҳам муштараклик, ўзаро ўхшашлик бўлиши табиий, албатта. Шу боис кўрғазмага қўйилган ҳар бир тарихий либос ва кўйрақнинг ташқи кўриниши, мазмун-моҳияти бир-бирига яқин.

Кўрғазмада иштирок этиб, ўз тенгқурларининг халқимиз тарихи, маданияти, миллий ўрф-одатлари борасидаги тасаввурининг махсули бўлган ижодий ишларини томоша қилган бошқа ёшларимизнинг ҳам ўзгирлиги, дунёқараши бойиши, энг муҳими, миллий ўзликни англаб етиши, ватанпарварлик туйғуларини кучайтиши, шубҳасиз.

Айни жиҳат Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг сайловолди дастурида белгиланган асосий мақсад-вазифаларга ҳам ҳар томонлама мос. Боиси, дастурда ёшлар орасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни, тотувликни тарғиб қилиш каби вазифалар ўз ифодасини топган.

Бунинг устига хос жиҳатлари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиш мумкин. Либослар тарихи бўйича ташкил этилган манбалар нафақат кийим-кечак дизайнерларини, рассомлар, кино, театр усталарини, балки халқимиз ўтмиши ва маданияти тарихи билан танишишни, истаган

Тадбир якунида кўрғазма голиби сифатида эътироф этилган, фаоллик кўрсатган, ижодий ишлари энг яхши баҳо олган иштирокчилардан бир гуруҳига ташкилотчиларнинг ҳамда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг эсдалик совғалари топширилди.

Мўлжал — таълимда замонавий педагогик технология

Партиядошларимиз

Фармула МУРОДОВА, «Adolat» мухбири.

— Истиқлолнинг ўтган 20 йиллиги даврида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳасида янгилашиб, ўзгариш, ривожланиш, юксалиш жараёнлари кечди, — деб ҳикоя қилди партиядош суҳбатдошимиз, Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицей директори Дилмурод Расулев. — Мустақилликка эришиш остоналаридаёқ Юртбошимиз ташаббуси билан ҳуқуқий-демократик давлат қуриш тамойиллари белгилаб олинди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қодрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилиниши билан тизимда янги довр бошланди. Бугун биргина замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1539 та академик лицей ва коллежларнинг ўзида миллионлаб ёшлар ўзлари танлаган йўналиш ва соҳа сирларини пухта ўрганиб боришяпти...

касиб этаётганлиги таълим самарадорлигининг йил сайин ошишини таъминламоқда...

Дарвоқе, академик лицейга бу йил 300 нафар биринчи курс талабалари танлов асосида қабул қилинди. Бугунги кунда улар барча фанларни замонавий педагогик технологиялар асосида ўқиш-ўрганишяпти. Д.Расулев раҳбарлигида педагоглар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурига кўра ахборот технологияларини ўрганиш ва ўқиш-ўқитишнинг усули ҳамда услубларини замонавий стандартлар даражасига кўтариш вазифалари муваффақиятли ижро топмоқда.

Ахборот-ресурс марказимизда 21750 донга дарслик ва бадий адабиётлар бўлиб, талабаларимизнинг ахборот олишлари, ўқиш-ўрганишлари учун барча шарт-шароит мавжуд.

Ҳозир ўқув масканимизда таълим олаётган 1225 нафар ўғил-қизлар умумтаълим фанлари бўйича ўтказилаётган танловларда, олимпиадаларда, жамоат ишларида, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқдалар. Таълимда замонавий педагогик технологиялар ушунга имконият берди.

«Ўзбекистонда сиёсий партиялар — жамият ривожига фаол куч», «Сиёсий партиялар ва ёшлар», «Ўзбекистонда ёшлар сиёсати — давлат мақомини олган устувор йўналиш» каби мавзуларда суҳбатлар ташкил этдик. Шу кунларда «Адолат» СДП — ёшларнинг малакали мутахассис бўлиб етишуви тарафдори» деган мавзудаги тадбирга тайёргарлик кўраямиз. Чунки, партияимиз сайловолди дастурининг «Таълим: замонавий даража ва моддий базани яхшилаш» бўлимида қайд этилгандек, «Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси сифатли ва бепул таълим олиши, яхши ҳақ тўланадиган муносиб иш топиши, яхши мутахассис бўлиш ва истаган пайтида ўз ишини ташкил этиш имконига эга бўлиши лозим».

Бунинг учун, шубҳасиз, таълимда доимо янги, замонавий педагогик технологияларни мўлжал қилиб олиш керак бўлади. Академик лицейимиз жамоаси айни шу мўлжал билан фаолият юритаёпти.



Гимнастикачиларимиз муваффақияти

Москва шаҳрида бадий гимнастика бўйича ўтказилган аънавий халқаро турнирда ўзбекистонлик бадий гимнастикачи қизлар муваффақиятли иштирок этди.

Бадий гимнастика

Байрам АЙТМУРОВО, ўзА мухбири.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортнинг қизларга хос ва мос турларини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик самарасида бадий гимнастика қизларимиз ўртасида тобора оммалашиб, нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар сафи кенгаймоқда. Бу эса ҳар жиҳатдан соғлом авлодни камолга етказиш, мамлакатимизнинг халқаро обрўсини янада оширишга хизмат қилмоқда.

ҳам бадий гимнастика юртимизнинг барча ҳудудларида жадал ривожланаётганидан далолатдир.

Спорт усталари ўртасидаги баҳсларда Ўзбекистон чемпиони Мафтунна Шамсиева халқа ва қоптоқда бажарган машқлари учун иккита олтин медалга сазовор бўлиб, тасмада машқ бажариш бўйича кумуш медални қўлга киритди. Умидли спортчимиз кўпкураш баҳсларида шохсупанинг иккинчи погонасидан ҳам олди.

Шунингдек, ўз ёш тоифасида Тахмина Икромова кўпкураш баҳсларида олтин медални қўлга киритган бўлса, Мафтунна Қувондиқова халқа ва қоптоқда бажарган машқлари ҳамда предметси назомий этган композицияси учун учта бронза медал билан тақдирланди. Халқа ва қоптоқда машқ бажаришда Шайхона Гуломова иккита, Арай Нурматова битта бронза медални қўлга киритди.

ADOLAT ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Ташрир ҳайъати: Дилмурод ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖўРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ

Бош муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: Абдували СИЙИБНАЗАРОВ (Нашир учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро ишлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.

Навбатчи — Фулом ХИДИРОВ.

«Адолат»дан кўтириб босиш фақат тахририят рўхсати билан амалга оширилади.

WWW.ADOLAT.UZ

Тошкент шаҳар солиқ С.Раҳимов тумани 261-мактаб томонидан 2003 йилда Холпазаров Қодиржон Бахроминович номига берилган 0414483 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Яратувчилик ва бунёдкорлик дастури

Муносабат

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ.

Ўтган йигирма йиллик тарихимизга таҳлилий муносабат билдирилган ва янги даврнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий йўналишлари белгилаб берилган тарихий ҳужжат — «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» Ўзбекистоннинг келажаги учун бунёдкорлик тамойиллари асос қилиб олинганини ва кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига ўтишдек ниҳоятда масъулиятли бир паллада фуқаролик жамияти институтларига жуда катта ишонч билдирилаётганини аниқлатади.

Давлатимиз раҳбари маъруза-асида, айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор иқтисодиётини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасидаги муҳим вазифалар белги-ландики, буларнинг барчаси мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Мана шу йўналишлардаги қонунларни такомиллаштиришга қаратилган дастурий вазифалар эса Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси ва Сенати фаолиятини янги талаблар даражасига олиб чиқишга хизмат қилаётганини ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Бундай устувор вазифалар ўз навбатида 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган ва партияларга кенг имкониятлар яратиб берган Конституциявий қонундан янада кенгроқ фойдаланишга қаратилган имконият ҳамдир. Бу эса сиёсий партияларнинг XXI асрнинг биринчи ўн йиллигидаги фаолиятларини чуқур таҳлил этиш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир янги ташаббусларни илгари суришлари лозимлигини таъкидламоқ жоиз.

Давоми 3-бетда ➤

Фаолиятга янги шакл ва услублар керак

дея таъкидланди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси йиғилишида

Ижроқўм йиғилиши

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ижроия қўмита аъзолари ва партия фаоллари иштирокида ўтган навбатдаги йиғилишда партия фаолиятига доир бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Унда дастлаб, «Жамиятда бағрикенгликка асосланган миллий муносабатларни янада мустаҳкамлашда партия органлари олдида турган вазифалар тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда ➤

Саноат: стратегик вазифалар ижросида

инвестиция сиёсатининг ўрни ва аҳамияти

мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий кучлардан бири — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ташаббуси билан кўтарилган гоа — илмий муассасалар ва саноат корхоналарининг инновацион фаолигини ривожлантирадиган ҳамда рағбатлантирадиган тегишли норматив-қонунчилик базаси ва дастурлар ишлаб чиқиши ва такомиллаштирилишига эҳтиёж бор.



2-бет

13 ноябрь —
Тиббиёт ходимлари кун

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Президентимиз Ислам Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг самараларини вилоятдаги уч юзга яқин қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.



Сифатли ва малакали тиббий хизмат

Қўштепа туманидаги «Гармон» қишлоқ врачлик пункти — аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаётган замонавий шифо масканларидан бири. Туман марказидан анча олисда жойлашган мазкур муассасада эмлаш, физиотерапия, дезинфекция хоналари, лаборатория, оналар ва болалар бўлими, дорихона ҳамда

кундузги стационар ишлаб турибди.

— Қишлоғимизда мана шундай замонавий, барча қулайликларга эга, малакали мутахассислар билан таъминланган шифона курилишини кўздан оря қилардик, — дейди Тоҳиржон Жўрабоев. — Илгари кимнингдир тоби қочса ёки дори-дармон керак бўлса, узок йўл бо-шираларнинг жалб этилгани, за-

моний тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлангани аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш каби тадбирларни вақтида, сифатли ба-жариш имконини бермоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан маълум қилишларича, Фарғонада 6 минг нафардан зиёд шифокор ҳамда 37 минг нафарга яқин ўрта тиббиёт

тўғри келарди. Замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга тушгач, бундай муаммолар бар-хам тоғди.

Туман марказида зарур шарт-шароит яратилган янги кўп тар-моқли поликлиника ишга туширилди. Айни кунларда Қўштепа-да ўн олти қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларга малакали шифокору ҳам-шираларнинг жалб этилгани, за-

моний тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлангани аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, ташхис қўйиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш каби тадбирларни вақтида, сифатли ба-жариш имконини бермоқда.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан маълум қилишларича, Фарғонада 6 минг нафардан зиёд шифокор ҳамда 37 минг нафарга яқин ўрта тиббиёт

ходими эл саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Давлатимиз томонидан улар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, турмуш даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётган. Бундай эътибор ва ғам-хўрлик соҳа ходимларини жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек шарафли вазифасини сидқидилдан адо этишга ундамоқда.



Муҳокамада қонун лойиҳаси

телекоммуникация, ахборот-ишлаб чиқиш алоқа хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатишни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланмоқда

Парламентда

Фарҳод ЭРКИНОВ,
«Adolat» мухбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ҳаётига доир бир неча қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Давоми 2-бетда ➤

САНОАТ: стратегик вазифалар ижросида

инвестиция сиёсатининг ўрни ва аҳамияти

Амалиёт, қонунчилик ва муаммолар

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон «Адолат» СДП
фракцияси аъзоси.



Ўзбекистонда стратегик вазифаларни ҳал этишга қаратилган инвестиция сиёсати изчил амалга ошириб келинмоқда. Рақобатбардош, экспортбон ҳамда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган ислохотлар стратегияси — республика саноатини барқарор, жадал ва мувозанатли ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш асосида унинг тармоқларини диверсификация қилишни ўз ичига олган. Амалга оширилаётган чуқур ва аниқ мақсадли таркибий туб ўзгаришлар сўнгги йилларда иқтисодиётни юқори суръатларда юксалтириш ва саноатни янада ўстириб боришни таъминлади. Ҳолбуки, 1991 йилда мамлакатимиз яппи ички маҳсулотидан саноат улуши 11 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 24 фоизга етди.

Давоми 2-бетда ➤

Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларида

БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 5 миллионга яқин одам ушбу жиноят қурбонига айланади. Энг ачинарлиси, одам савдосининг асосий қурбонлари аёллар ва болалардир. Ана шу ҳолат эътиборга олинган бўлса, одам савдосига қарши курашнинг ҳозирги кунда нечоғли аҳамиятли эканлиги ойдинлашади.



3-бет

Фош этилган ҳийлалар

жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 359 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 32 миллиард сўмлик 186 килограмдан ортиқ тилла ва заргарлик буюмларининг ҳамда 1462 та қонунбузарлик ҳолатларида 2,9 миллиард сўм эквивалентдаги нақд хоржиий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.



4-бет

Муҳокамада қонун лойиҳаси

Давом. Боши 1-бетда

Депутатлар, партия фаоллари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда дастлаб, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси фракция аъзолари диққат марказида бўлди.

Ушбу масала юзасидан парламент кўйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Д.Холиқова сўзга чиқди.

— Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2011 йил 14 январдаги «Ахборот муҳитини ислоҳ қилиш, сўз ҳамда ахборот эркинлигини таъминлаш соҳасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармойиши бажарилиши юзасидан ишлаб чиқилган, — деди маърузачи. — Қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишга тақлиф этилаётган таҳририда Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш борасидаги берган тақлифлари инobatга олинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Эътироф этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси сиёсий модернизация жараёналарида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда аҳолини замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлаш, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, телекоммуникация, алоқа хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатишни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб қўйилмоқда.

Яна бир энг муҳим жиҳатлардан бири интернет глобал тармоғидаги миллий сегментнинг адрес макони ва домен номларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи янги нормалар ҳам қонун лойиҳасида ўз ифодасини топомқда.

Муҳокамаларда сўзга чиққан депутатлар қонун лойиҳаси юза-

сидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Маълумки, замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг дастурий вазифаларидан бири ҳисобланади, — деди фракция аъзоси Р.Гаимова. — Қонунда телекоммуникация, ахборот-ишлаб чиқиш алоқа хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатишни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб қўйилган билан муштарак эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Қолаверса, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши телекоммуникация соҳасида фойдаланувчилар ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларининг тўлиқ ҳимоясини таъминлашга, ахборот хавфсизлигини такомиллаштириш ва узатиладиган ахборотнинг сир сақланиши каби масалаларни тартибга солиш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдати «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган «Интеллектуал мулк тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция муҳокамага киритилди.

Таъкидландики, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ва атамаларни унификациялаш ва бир хилда қўлланилишини, юридик ва жисмоний шахсларнинг ортқича молиявий харажатлардан халос этишни, интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини кенгайтиришни таъминлайди.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ ишлаб чиқилган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида амалдаги Қонуннинг қатор моддаларига таркибий, тахририй ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Уларга кўра, чет эл инвестицияларини, айниқса,

саноатнинг юқори технологик соҳаларига жалб этишни янада рағбатлантириш, мамлакатдаги инвестицион муҳитни такомиллаштириш, чет эллик инвесторларнинг фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган.

Мажлис кун тартибидан ўрин олган «Самарқанд вилоятининг Самарқанд ва Оқдарё туманлари ҳамда Самарқанд шаҳри чегараларини ўзгартириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳаси ҳақидаги масала ҳам фракция аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Таъкидландики, Самарқанд туманининг Самарқанд шаҳрига туташиб кетган 3399 гектар (туман умумий ер майдонининг 7,0 фоизи) майдонда жойлашган 33 та маҳалласи 84,7 минг нафар аҳолиси билан Самарқанд шаҳрига қўшилмоқда. Самарқанд туманининг эса Қордарё буйидаги Гулобод шаҳарчасидан 35 километр узоқликдаги 1,5 минг гектар ер майдонда жойлашган (туман умумий ер майдонининг 3,08 фоизи) «Чорбоғ-2» МФЙ 1983 нафар аҳолиси билан Оқдарё туманига қўшилмоқда.

Бунинг натижасида Самарқанд шаҳрининг ривожланган инфратузилмаси Самарқанд туманида ягона йўл тизимини ташкил этиб, узлуксиз транспорт алоқани таъминлайди. Бундан ташқари, туман аҳолисига тез ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш ва бошқа коммунал хизматлар кўрсатиши ахшиланади. Шунингдек, шаҳар саноат салоҳиятини ривожлантириш орқали туманда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш имконияти яратилади. Шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, маҳаллалар қиёфасини замонавий архитектура ва қурилиш талаблари асосида тубдан янгилаш, уй-жойлар, ижтимоий ва маданий-маиший объектлар, муҳандислик коммуникация тармоқларини комплекс қайта қуриш учун қулай шароитлар вужудга келади.

Шунингдек, фракция йиғилишида бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Муҳокама этилган қонун лойиҳалари депутатлар томонидан маъқулланди. Қурилган масалалар юзасидан фракция нўқтани назари белгилаб олинди.

Давом. Боши 1-бетда

Партия сайловолди дастурида белгиланганидек, «Бирдамлик» социал-демократиянинг асосий широрларидан бири ҳисобланади. Ана шундан келиб чиқилган ҳолда ҳудудий партия ташкилотлари байналмилал миллий маданият марказлари билан мунтазам турли ижтимоий йўналишда тадбирлар ташкил этиб келмоқда. Айни пайтда партия ташкилотларида миллий марказлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига янада кенгрок эътибор қаратиш лозимлиги эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари партия сайловолди дастуридаги мазкур вазифани амалга ошириш бўйича аниқ режаларни белгилаб олишлари, ушбу жараёнга нафақат партия кадрларини, балки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳларини жалб этиш зарурлиги ҳам алоҳида эътироф этилди.

Эшлар — юрт келажиги, ҳар қандай давлат ва жамият эртанги кунининг ҳақиқий ворислари, давомчилари. Зеро, жамиятнинг ташаббускор, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги энг фаол қатлами ҳисобланмиш ёшларнинг ҳуқуқ ва ман-



фаатларини ҳимоя қилиш, билим ва салоҳиятларини тўла намоеён этишлари учун уларга етарли имконият ҳамда шароитларни яратиш бериш юрт истикболини белгилаб беради. Шу боис, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишидан бири сифатида белгиланди. Бу борада алоҳида эътирофга молик кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятида ёшлар сиёсати муҳим ўрин тутди. Партия ёшларга жамиятнинг муҳим қатлами ва келажиги сифатида эътибор қаратиб келмоқда. Ижроия Қўмита йиғилишида «Ўзбекистон «Адолат» СДП



Фаолиятга янги шакл ва услублар керак

дея таъкидланди Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси йиғилишида

«Ёш адолатчилар» қанотининг партия кадрлари захирасини шакллантириш, уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича вазифалари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Ушбу масаланинг танқидий нўқтани назардан таҳлил этилиши эса келгусида партиянинг бу борадаги ишларини янада жонлантиришга хизмат қилади, албатта.

— «Ёш адолатчилар» қаноти ўтган вақт мобайнида бир қанча ютуқларга эришган бўлса-да, уларда баъзи долзарб кундалик муаммоларни ҳал этиш бўйича журъат етишмаяпти, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП «Ёш адолатчилар» қаноти раиси Феруза Омонова. — Партиянинг жойлардаги ташкилотларини кадрлар билан таъминлаш, партия ташкилотларини давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига партия ёшларининг номзодларини илгари суриш масалаларида ёшлар қанотининг фаоллиги сезилмаяпти. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакики, «Ёш адолатчилар» қаноти фаолиятда ҳали ўз ечимини қўлай билар қанот масалалар мавжуд. Жумладан, «Ёш адо-

латчилар» қанотининг ҳудудий тузилмалари фаоллигини янада ошириш, ўтказилаётган тадбирлар сифати ва салмоқини ахшиллаш, фаолият самарадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган янги услубларни ишлаб чиқиш ва амалга таъбиқ этиш талаб этилади.

Ҳар қандай сиёсий партия фаолиятида кадрлар масаласи ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Шу боис, Ўзбекистон «Адолат» СДП кадрлар захирасини шакллантириш, партия ташкилотларини ҳар томонлама етук, замонавий дунёқарашга эга кадрлар билан таъминлашга устувор вазифа, сифатида эътибор қаратмоқда. Муҳокамаларда сўзга чиққанлар «Ёш адолатчилар» қанотининг партия кадрлари захирасини шакллантириш борис ниҳоятда муҳим масала эканлигини алоҳида эътироф этишди.

«Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг дастурини такомиллаштириш тўғрисида»ги масала ҳам мажлис иштирокчилари диққат марказида бўлди. Ушбу масала юзасидан партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати

рахбари Равшан Ҳайдаров сўзга чиқди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз дастурини шу куннинг талаблари асосида ҳар томонлама такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда, — деди маърузачи. — Бунда, Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2009 йил сайловолди дастурида, Ҳаракат дастурларида, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясининг қонун иждорлиги асосий йўналишида янада партиянинг тегишли иш режаларида белгилаб берилган вазифаларни уйғунлаштириш ва тизимлаштириш, уларнинг ижросини таъминлаш борасида аниқ механизмларга эътибор қаратилмоқда.

Ижрокўм йиғилишида, шунингдек, «Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг навбатдаги V Пленумини чакририш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий Кенгашларида иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш бўйича фаолиятни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

САНОАТ: стратегик вазифалар ижросида

Давом. Боши 1-бетда

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нефть-газ, машинасозлик, электр техникаси, кимё, металлургия соҳасидаги ўнлаб янги йирик корхоналар барпо этилди. Уларга халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари жалб этилган бўлиб, мамлакатимизнинг меҳнатга лаёқатли 1 миллиондан ортқи аҳолиси ана шу корхоналарда меҳнат қилмоқда. Иқтисодиётимизнинг янги ташкил этилган тармоғи — ривожланган инфратузилмали автомобиль соҳасида «GM», «MAN» ва «ISUZU» каби жаҳонда етакчи компанияларнинг замонавий ишлаб чиқариш технологиялари татбиқ қилинди. Енгил ва юк автомобиллари, йўловчи ташувчи автобуслар, электр техникаси, кабель ўтказгич маҳсулотлар, полиэтилен, машинасозлик ҳамда бошқа саноат тармоқлари учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар каби янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш мустақилликни ўзлаштирилди.

Саноатни янада ривожлантириш, иқтисодиётда унинг асосий тармоқларини диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган таркибий туб ўзгаришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслар ва корхоналар самарадорлиги ҳамда рақобат-

бардошлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» Дастур қабул қилинди. Мазкур дастур республикаимизда тармоқни ривожлантиришнинг мақсадли курсаткичлари ва умумий қиймати қарийб 47,5 мил-

лиард АҚШ долларига тенг 519 та инвестиция лойиҳаси ижросини ўз ичига олади.

Ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга табиқ этилиши яқин беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоизга ошириш, унинг ялпи ички маҳсулот таркибида 2010 йилдан 24 фоиз улушини 2015 йилда 28 фоизга етказишни таъминлайди. Машинасозлик,

автомобилсозлик тармоқлари, кимё, озик-овқат ва фармацевтика саноати жадал ривожланиб, уларда ўсиш суръатлари икки баробардан ортади. Бунда саноат таркибида қайта ишлаш тармоқлари улуши, хусусан 80 дан ортқи инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобидан 2010 йилдаги 41 фоиз ўрнига 2015 йилда 49 фоизга кўпаяди.

Ўзбекистонда 2008 йилда ташкил этилган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) — давлатлараро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва мамлакатимиз иқтисодиётини оқсаттиришнинг муҳим омилга айлангани кутилмоқда. Саноатни ривожлантириш дастурида ЭИИЗда етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар, замонавий ишчи аппаратураси, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, маиший электр техника ҳамда алоқа воситаларини ишлаб чиқариш бўйича 33 та янги юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этиш кўзда тутилган.

Муҳим тармоқларда саноатни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини энг аввало — хўжалик субъектларининг ўз маблағлари, қолаверса, хорижий инвестициялар ва кредитлар, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари, шунингдек, тижорат банклари ҳамда бошқа молия институтлари кредитларини жалб этиш ҳисобидан молиялаштириш вазифаси белгиланган. 2010 йил якунида кўра, халқаро молия муассасалари ва донор мамлакатлар билан 12 та инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун қиймати 1,4 миллиард доллардан ортқи



Молия шартномалари имзола-ниб, қиймати 80,34 миллион долларга тенг техник қўмақларини маблағлаш ва грантлар жалб қилинган.

Айни кезде эришилган бундай ижтимоий тенденциялар билан бирга ҳали эътибор қаратиш лозим бўлган қатор муаммолар ҳам мавжудки, улар ҳақида алоҳида айтиб ўтмоқ жоиз, албатта. Масалан, жойларда ҳали саноат маҳсулотлари, ишлар ва хизматларнинг ички ҳамда ташқи бозорларда етарлилик рақобатбардош эмаслиги сир эмас. Илм талаб ишлаб чиқариш секин ривожланмоқда. Саноатнинг хомашёга йўналтирилганлик даражаси анчайин юқориликча қолиб, экспорт таркибида ёқилғи-энергетика комплекси маҳсулотлари, рангли металл, пахта толаси, калава улуши катта. Хомашёни қайта ишловчи ва чуқур қайта ишловчи корхоналар кутилган даражадан бироз ортда қолаётти. Капитал қўйилмаларининг ҳудудлар бўйича бир меъёрга тақсимланмагани, 2010 йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг катта қисми (ўртача 50 фоиз) Тошкент, Навоий, Қашқадарё ва Андижон вилоятларигагина тўғри келиб, Хоразм ва Бухоро каби ҳудудларда бу курсаткич 15-30 фоизни ташкил этаётгани кўнгилни тўлдирмайди. Чекка ҳудудларда тегишли инфратузилма ва маҳсулотни сотиш кўнимаси ҳали ҳануз етарлича шаклланганича йўқ.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий кучлардан бири — Ўзбекистон «Адолат» социал-демокра-

тик партияси ташаббуси билан кўтарилган ғоя — илмий муассасалар ва саноат корхоналарининг инновацион фаоллигини ривожлантирадиган ҳамда рағбатлантирадиган тегишли норматив-қонунчилик базаси ва дастурлар ишлаб чиқишини ва такомиллаштирилишига эҳтиёж бор. Энг чекка ҳудудларда инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш, инновацияларни ташкил этиш ҳамда уларнинг ишлар ва хизматларнинг ички ҳамда ташқи бозорларда етарлилик рақобатбардош эмаслиги сир эмас. Илм талаб ишлаб чиқариш секин ривожланмоқда. Саноатнинг хомашёга йўналтирилганлик даражаси анчайин юқориликча қолиб, экспорт таркибида ёқилғи-энергетика комплекси маҳсулотлари, рангли металл, пахта толаси, калава улуши катта. Хомашёни қайта ишловчи ва чуқур қайта ишловчи корхоналар кутилган даражадан бироз ортда қолаётти. Капитал қўйилмаларининг ҳудудлар бўйича бир меъёрга тақсимланмагани, 2010 йилда ўзлаштирилган инвестицияларнинг катта қисми (ўртача 50 фоиз) Тошкент, Навоий, Қашқадарё ва Андижон вилоятларигагина тўғри келиб, Хоразм ва Бухоро каби ҳудудларда бу курсаткич 15-30 фоизни ташкил этаётгани кўнгилни тўлдирмайди. Чекка ҳудудларда тегишли инфратузилма ва маҳсулотни сотиш кўнимаси ҳали ҳануз етарлича шаклланганича йўқ.

Қолаверса, эндиликда ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва олислигидан келиб чиққан ҳолда даражаланган солиқ ва солиқ имтиёзлари белгила-ниши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Ана шундай мулоҳазалар асосида қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Дастурни ўз вақтида амалга ошириш, иқтисодиётни янада диверсификация қилиш, уни барқарор ва жадал ривожлантириш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш йўлида саноат соҳасига бевосита тегишли бўлган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Унда давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби белгила-ниб, саноатни ривожлантириш дастури тизимига нисбатан асосий талаблар янада мукамал ишлаб чиқилса, тармоқ ривожига ҳуқуқий замин яратилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳудудий ташкилотларида

Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд вилояти Кенгаши Матбуот хизмати.

САМАРҚАНД. Ургут тумани Халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимида бир гуруҳ ўқитувчилар ва ҳудуддаги «Бешкапа» қишлоқ вазирлик пункти ходимлари Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоллигига қабул қилинди ва муассасаларда бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган «Адолатчилик — ҳуқуқий маданият шакллантириш тамойили» мавзусидаги давра суҳбатда партия аъзолари, мақсад ва вазифалари, шунингдек, сайловолди дастурида белгиланган йўналишлар хусусида иштирокчиларга кенг тушунчалар берилди.

— Партия давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Ургут тумани кенгаши раиси Р.Эсонов. — Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган серурум ва самарали меҳнатни рағбатлантириш партиянинг асосий савб-ҳаракатларидан биридир.

Шунингдек, тадбирда Юрбошимиз раҳномолигида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган изчил ишловлар хусусида ўзаро фикр алмашишди.

Шундан сўнг, партиянинг янги аъзоларига аъзолик билетлари тантанали суръатда топширилди.

— Аввало, партия аъзолари сафига киришдан олдин унинг Устава ва сайловолди дастури, бошқа меъёрий ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиқдим, — деди Маржона Ражабова. — Партиянинг мақсад ва вазифалари менинг орзу-умидларимга, ҳаётий қарашларимга мос экан. Шу боис партияга аъзо бўлдим.

Ушайманки, қишлоқ жойларда қайта тикланадиган ноънавий энергия манбаидан фойдаланишни кенгайтириш ва бу борадаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бугунги шиддаткор замонда яшашнинг ҳар бир кишининг кўнглидаги гап.

Шу каби тадбирлар тумандаги бир қатор муассасаларда ҳам бўлиб ўтди ва партия сафига қўшилган 70 нафар янги аъзоларга партия билетлари топширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши Матбуот хизмати.

ХОРАЗМ. Инсон — азиз, унинг қадр-қиммати юксак. Шу боис Республикада фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият саналиб, унга жамиятнинг устувор вазифаси сифатида жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Шу маънода инсон ҳуқуқлари поймон этилишининг ҳар қандай кўриниши, айниқса, одам савдоси аталмиш жиноят энг муҳим ва кечирилмас қилиши деяр баҳоланади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти Кенгаши ташкил этилган «Огоҳлик — давр талаби» мавзусидаги давра суҳбатда бугун долзарб аҳамият касб этаётган ойна шу мавзу тўғрисида сўз юритилди.

Хонқа туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган мазкур тадбирда вилоят партия Кенгаши қошидаги «Хотин қизлар» ва «Ёш адолатчилар» қанотлари аъзолари, Хонқа тумани партия кенгаши фаоллари, маҳалла фуқаролари ва ёшлар иштирок этидилар.

— Бугун дунё ҳамжамиятини ташвишлантираётган муҳим масалалардан бири одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳисобланади, — деди «Адолат» СДП вилоят Кенгаши раиси Нурмат Эшметов. — БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 5 миллионга яқин одам ушбу жиноят қурбонига айланади. Энг ачинарлиси, одам савдосининг асосий қурбонлари аёллар ва болалардир. Ана шу ҳолат эътиборга олинганда қарши қилиниши кўришда кунда нечоғли аҳамиятли эканлиги ойдинлашади.

Давра суҳбатда сўзга чиққан бошқа маърузачилар ҳам одам савдосининг ҳозирги кунда башарият олдида турган энг долзарб муаммолардан бири эканлигини таъкидлаш асносида, дунёда учинчи ўринда турувчи мазкур трансмилий жиноятга қарши кураш олиб бориш зарурлигини таъкидлаб, бундай иллатга нисбатан ёшларни огоҳликка чорладилар.

Бундан ташқари, одам савдоси ва унинг салбий оқибатлари, одам савдосининг қурбонли бўлаётганларнинг асосини ёшлар ташкил қилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар кўргазмали слайдлар ёрдамида намойиш этилди. Иштирокчилар эътиборига мавзуга оид видеоролик ҳамда ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Тадбир сўнггида партиянинг янги аъзоларига аъзолик билетлари топширилди. Шунингдек, «Дўстлик» маҳалласининг бир гуруҳ ижтимоий химояга муҳтож оила вакилларига Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳомийлик савгалари топширилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Андижон вилояти Кенгаши Матбуот хизмати.

АНДИЖОН. Жамиятнинг ташаббускор, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги энг фаол қатлами ҳисобланмиш ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, билим ва салоҳиятларини тўла намоён этишлари учун уларга етарли имконият ҳамда шaroитларни яратиш юрт истиқболлини белгилайди. Шу боис, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидаги ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди, бу борада алоҳида эътирофга молик кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Биргина сўнгги ўн йил ичида у ёки бу даражада ёшлар сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган юздан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигининг ўзидек ушбу сўзимизнинг аққол тасдиғидир. Бир сўз билан айтганда, истиқлол шарофати билан бугун юртимизда янгича дунёқараш ва тафаккурга эга бўлган ёш авлод камол топмоқда.

диёт юзага келаётган, таълим тизими тараққий топаётган, бандлик даражаси ўсаётган, соғлом турмуш тарзининг ажойиб имкониятлари яратилаётган, ёшларнинг мустақиллик ва фуқаролик позицияси шаклланиб бораётган бир шароитда салоҳиятли йигит-қизларни ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш йўлида сафарбар этишни партия асосий мақсадларидан бири деб билди.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятида ёшлар сиёсати муҳим ўрин тутаяди, — деди вилоят партия Кенгаши раиси Уринбосари М.Мирзаева. — Партия ёшларга жамиятнинг муҳим қатлами ва келажик сифатида эътибор қаратиб келмоқда. Мамлакатда янги инновацион иқтисо-

Яратувчилик ва бунёдкорлик дастури

Давоми. Бошқа 1-бетда

Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, Концепция бугунги кунимиз эмас, балки мамлакатимизнинг бир неча ўн йилликларга мўлжалланган тараққиёт тамойилларини белгилаб бергани билан ҳам ниҳоятда қимматлидир.

Тўғри, дунёнинг кўпгаб давлатларида маълум бир даврга мўлжалланган дастурлар қабул қилинган, аммо уларда белгиланган улкан режалар бироз муддат ўтгач, фақат қоғозлар гуддага қолиб кетганига истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепция эса ўтган йиллар таърибаси, муваффақиятлар ва натижалар асосига қурилган, чуқур таҳлилларга таяниб тайёрлангани билан ҳозирги кунгача мутахассислар, халқро кузатувчилар эътиборини тортмоқда.

Концепциядаги ўзига хослик яна бир қарра «Ўзбек модели»нинг мустақам заминига эга экани ва Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида танланган йўлдан оғиймай олдинга интилаётганини кўрсатади.

Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижроси кўпгаб соҳа ва тармоқлар қаторида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан ҳисобланган сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳам ривожланишини таъ-

минлашга хизмат қилиши билан бирга уларнинг зиммасига улкан масъулият ҳам юклади.

Масалан, Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кучайтиришни мақсад этиб кўйган. Партия бугунги кунда юрифтаётган сиёсат, амалга ошираётган ишларнинг барчаси, пировардида, сайловолди дастурида кўзда тутилганидек, ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш госянини илгари суришда давом этаётганидан адолат беради.

Шу ўринда жамият диққат эътиборида турган, аҳоли фаровонлигининг муттасил ўсиб боришига қаратилган давлат дастурлари, йирик лойиҳа ва қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этиш ҳар доимгидек бугун ҳам долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда. Бундай маъсулиятли жараёнда ҳар бир партия аъзосининг фаол иштироки, белгиланган дастурий вазифаларни сўзсиз амалга ошириши ва партиявий интизомга қатъий риоя этилишини таъминламай туриб, кўзланган мақсадларимизга эришиб бўлмайди,

Шу боисдан ҳам бугунги фаолиятимизни кескин жонлантириш, партиявий талаб ва интизомни янада кучайтириш масаласи мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган, миллий тараққиётимизнинг янги босқичи бошланган бир паллада ўта долзарб вазифага айланганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Маълумки, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказдаги ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлаш сиёсий партияларга берилган вазифалардан саналади.

Шу маънода, дастурий ҳужжат бўлган мазкур Концепцияда сиёсий партиялар зиммасига янада улкан маъсулият юклатилиши бежиз эмас. Айтиш жоиз, концепцияда бу борада белгилаб берилган барча вазифалар, шубҳасиз, ҳоҳиятган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаштириш» мақсади билан кўрсатилган сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий Қонуннинг тўлақонли ва янада самарали ижро этилишини таъминлаш бўлиб, бу эса, ўз навбатида, сиёсий партияларнинг бу борадаги дастурларини яна бир бор белгилаб олишда катта ўрин тутади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Президентимиз томонидан Концепцияда илгари сурилган вазифалар сиёсий партиялар билан бирга парламент зиммасига ҳам катта маъсулият юклайди. Зотан, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролининг ошиши депутатларнинг, партиянинг парламент қўйи палатасидаги фракцияларининг, пировард натижада, парламентнинг жамият ҳаётидаги ролининг орттишига мустақам замин яратди. Чунки сиёсий партиялар ўзларининг давлат бошқарувидаги иштирокини парламентдаги ўз фракциялари орқали амалга оширса, маҳаллий кенгашларда эса бу иштирок депутатлар гуруҳлари орқали рўйга чиқарила олади.

Маълумки, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этиш, уларнинг марказдаги ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантириш масалаларида бевосита иштирок этишини таъминлаш сиёсий партияларга берилган вазифалардан саналади. Шу маънода, дастурий ҳужжат бўлган мазкур Концепцияда сиёсий партиялар зиммасига янада улкан маъсулият юклатилиши бежиз эмас. Айтиш жоиз, концепцияда бу борада белгилаб берилган барча вазифалар, шубҳасиз, ҳоҳиятган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаштириш» мақсади билан кўрсатилган сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий Қонуннинг тўлақонли ва янада самарали ижро этилишини таъминлаш бўлиб, бу эса, ўз навбатида, сиёсий партияларнинг бу борадаги дастурларини яна бир бор белгилаб олишда катта ўрин тутади.

98-моддасига «Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўринини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади» дейилган норманинг киритилиши сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нуфузи ва маъсулиятини оширишда катта аҳамиятга эга бўлаётганини кўрсатади.

Шунинг учун ҳамки, партия-миз фаоллари, айниқса, қўйи палатадаги депутатларимиз, қолаверса, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари партия позициясини тўла англаган, унинг гоё ва мақсадларига қатъий ишонган ҳолда ўзларига дастуриламал деб қабул қилмоқдалар. Чунки, ўз моҳияти ҳамда эътиборига кўра, бундай талаб ва ёндашулар негизда фақат ва фақат Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини тургани ҳеч кимга сир эмас. Шу жиҳатдан, Концепцияда белгилаб берилган вазифалар сиёсий партиялар ва маҳаллий ҳокимияти органи бўлган Парламент орқали мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари манфаатини химоя қилиш ҳамда республикамизнинг буюк келажак сари дадил одимлашини таъминлашга ижобий таъсир этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида юқори ўрин ва мавқега эга эканлиги шубҳасиз. Президентимиз ҳам бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, иқтисодиётнинг келажакини таъминлаб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ:

аҳоли омонатлари — турмушимиз даражаси ошишида муҳим манба

Реклама ўрнида

Я.АБДУРАЗЗОҚОВ, Жамғарма операциялари ва минибанклар бошқармаси бошлиғи.

Қисқача маълумот: «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ тизимида 2011 йил 1 октябрь ҳолатига 78 та минибанк, 165 та жамғарма, 82 та махсус кассалар ва 67 та шохобчалар фаолият кўрсатмоқда. 2011 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида банк филиаллари томонидан 4 та минибанк, 6 та жамғарма, 7 та махсус кассалар янгидан очилиб ишга туширилди.

Мансабу ва рақамларнинг ўзидек «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг бугунги салоҳиятини аққол кўрсатиб турибди. Ҳозирги кунда Бош банк бошқаруви аҳолининг тизимга бўлган ишончини мустақамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётига жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларига гоё муҳим манба сифатида қарамоқда.



Изох: ушбу тиражда 50 та: жумладан, 5 та микротўқилки пень, 5 та DVD тапелер, 3 та компьютер Р4, 5 та CD плейер, 7 та «Roison» телевизори, 10 та радиотелефон, 10 та уяли телефон аппарати, 5 та блендер каби буюм ютуқлари ўйналади.

Шу билан бирга, «Соврин-2» бонус ютуқи ва «Мадад-1», «Мадад-2», «Мадад-3», «Мадад-4» қўшимча бонусли мuddатли омонатлар ҳамда 3 та хорихий валютада — АҚШ доллар, Евро, Фунт стерлингда (muddати 18 ойга сақланадиган) «Мультивалютали» мuddатли омонат жорий қилинган бўлиб, ушбу омонатга қўйилган хорихий валютадаги пул маблағлари омонат мuddати тугагандан кейин маблағларни конвертация қилиш имконияти турғиди.

Имкониятлар кўлами кенгаймоқда

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Алҳамдullo МАҲМУДОВ, Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.

Ҳукуматимиз томонидан иқтисодиётни эркинлаштиришга, хусусан, солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, унинг юқини камайтириш, солиқларни унификация қилиш ва солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини оширишга доир қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари хусусий секторнинг янада раванг топшишига пойдевор бўлмоқда.

Сир эмас, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шaroит яратиш, уларга яқиндан кўмаклашиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналиши иқтисодиётимизнинг мустақил ва муҳим сектори сифатида шаклланди.

Чунки, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тадбиркорлик субъектларига қўшимча енгилликлар яратилди. Қарорга биноан, жорий йил 1 июндан бошлаб пластмасса, лок-бўёк, машиш-кимё, пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби, жами 44 та фаолият тури бўйича кичик корхоналарда ўртача йиллик ҳодимлар сонининг амалдаги 21 тадан 50 тагача бўлган чегарасидаги қўшимча 21 тадан 100 тагача кўпайтирилди. Бу ўзгариш, биринчидан, ушбу фаолият турлари билан шуғулланиб келаётган кичик корхоналарда ишчилар сонини кўпайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмининг янада оширишга имкон яратса, иккинчидан, ҳодимлар сонини бўйича шу вақтдаги йирик корхоналар сифатида фаолият кўрсатиб келаётган ҳужжат юритувчи субъектларга солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини танлаш ҳуқуқини беради.

Ҳар чорак якуни билан 4 та ҳисобот тақдим этилдилар. Умумий белгиланган солиқ тўловчи ҳар ойда тўлаб келаятган 9 та тўлов ўрнига, энди кичик бизнес субъекти сифатида ҳар чорак якуни билан фақат бир маротаба ягона солиқ тўловини амалга ошириши ҳамда ҳар ойда тўланаётган маблағларини чорак давомида айланма маблағлар сифатида ишлаш имконияти яратилди.

Қарорга мувофиқ, 2011 йилнинг 1 июнидан янги ташкил этилаётган маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулияти жамиятлар учун устав жамғармасининг миқдори амалдаги энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан қирқ бараварига туширилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда:

— давлат божи ставкаси олдинги энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари ўрнига бир баравари миқдоридан белгиланмиш, вилоят бўйича йилга ўртача давлат рўйхатидан ўтаётган 1800 га яқин янги корхоналар иштирокчи салкам 52 миллион сўм қолдишга олиб келади. Бундан ташқари, намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга ошириш мумкинлиги белгиланди. Юридик шахони давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари бўлиб, устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёки фақат таъсис шартномаси, бунда маъсулияти чекланган жамиятлар учун таъсис шартномаси ва устав, ақциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер ҳўжаликлари ҳамда юридик шах бўлган деҳқон ҳўжаликлари учун-фақат устав ҳисобланади. Шу билан бирга, таъсис ҳужжатларини нотариал тасдиқлаган ҳолда тақдим қилиш талаблари бекор қилинди. Эндиликда, ҳўжатларни нотариусдан тасдиқлаш учун ортиқча вақт ва маблағ сарфлаш зарурати қолмади.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, давлатимиз томонидан яратилаётган бундай имкониятлардан барча тадбиркорларимиз унумли фойдалансинлар. Аксинча, солиқлардан қочиб, ноқонуний фаолият билан шуғулланишни кўзланган «тадбиркорлар» эса белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Спортчиларимиз муваффақияти

Универсал жанг

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

Москва шаҳрида универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари битта олтин, учта кумуш ва тўққизта бронза медални қўлга киритди.

Қирққа яқин мамлакатдан 250 нафардан зиёд спортчи қатнашган бу нуфузли мусобақа универсал жангнинг рингда рақибга зарба қўллаш мумкин бўлган классик ва кураш усуллари ишлатилган энгил йўналишлари бўйича ўтказилди.

Энгил универсал жанг йўналишида 95 килограмм вазнда рингга чиққан ҳамюртимиз Дилшод Сурхонов барча рақибини мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Феруз Саидовга эса бронза медал натижа берди.

Классик йўналишида Қувват Жуманиёзов кумуш медални қўлга киритди. Универсал жанг бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони Алишер Абдуллаев эса бу сафар бронза медал билан кифояланди. Яна бир



ҳамюртимиз Мухаммадали Тоштургунов ҳам шохсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Ҳар иккала йўналишида ҳам ўз маҳоратини намойиш этган

Аъзам Ҳайдаров биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритган бўлса, Нуриддин Далимов ва Жамол Оминов иккитадан бронза медал билан

тақдирланди. Жаҳон чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги баҳсида иштирок этган Нодира Қазакова ҳар икки йўналишида

совриндорлар қаторидан жой олди. Ҳамюртимиз классик йўналишида кумуш, энгил йўналиш бўйича бронза медал билан тақдирланди.

Чоралар кўрилди ва кўрилаяпти

«Адолат»га жавоб берадилар

«Газетамизнинг шу йил 16 сентябрь сонидан чоп этилган «Лоқайдлик қачонгача?» сарлавҳали танқидий мақолада Чуст туманидаги атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар, нохуш ҳолатлар ва йўл қўйилган камчиликларга нисбатан тегишли ташиқлотлар ҳамда мутасадди раҳбарларнинг лоқайдлиги ҳақида сўз борганди. Хусусан, «Оқова сув» коллектори тармоғидан оқабган чиқинди сувнинг атроф-муҳитга таралаётгани, натижада бу ердаги қатор қишлоқлар аҳолиси бу сувдан наинки экин майдонларини сўғоришда, балки ичимлик суви сифатида ҳам фойдаланаётгани, қолаверса, оқова сув Ҳисорак ҚФЙ таркибига кирувчи барча қишлоқлардаги тоза булоқлар сувига ҳам бориб қўйилган, тозалов иншоотининг носозлиги, санитария-эпидемиология талаблари қўпол равишда бузилаётгани борасида қаттиқ таъбири билдирилганди.

Ушбу танқидий мулоҳазалар юзасидан яқинда Чуст тумани ҳокими Х.Бозоров имзоси билан тахририятга йўлланган жавоб хатида мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилган ва кўрилаяпти чора-тадбирлар тўғрисида қўйидаги маълумотлар келтирилган:

«... туман ҳокимлиги томонидан тозалов иншоотидagi камчиликларни бартараф этиш бўйича ташкилий ва таъмирлаш ишлари юзасидан аниқ тадбирлар белгиланиб, бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, оқова сув тармоғи кесиб ўтган ҳудуднинг ҳимоя минтаси ажратилиб, уни назорат қилиш ҳамда сақлаш масъулияти шу ҳудудларда жойлашган фермер хўжалиқларига юклатилди.

Ҳудуддан кесиб ўтувчи оқова сув тармоғининг мавжуд 59 донна назорат қудуғини махсус қопқоқ билан ёпиб чиқиш бўйича чора-тадбирлар режаси тузилди.

Тармоқдаги 8 та тикилган жойлар очилди, тозалов иншоотида хлор захиралари тайёр-

лаб қўйилди, трассадаги тешиклар тузатилади, ишга яроқсиз қувурлар алмаштирилмоқда. «Фекал» насоси таъмирланиб, катта асосий насос илчи ҳолатга келтирилди, 6 та қудуқ тозаланди. Чикинди сувларни кислоталар билан тўйинтириш тизимида (азрация) жорий ремонт ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокими номига қўрилиши тўхтаб қолган тозалов иншооти қурилиши давом эттиришни давлат дастурига киритишда ва «Оқова сув» кўп тармоқли ки-чик корхонасининг молиявий ҳолати бўйича амалий ёрдам сўраб хат билан қилинди.

Туман ҳокимлиги бундан кейин ҳам оқова сувлар тармоғини ҳамда тозалов иншоотини бир меъёрда ишлашни ўз назоратига олади».

Божхона бекати

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати инспектори.

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан нақд хорижий валюталар, тилла ва заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, республикамиздан резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентдаги нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиш кетишлари рўхсат этилган. Афсуски, мазкур қоидаларни бузган ҳолда нақд хорижий валюталарни яширинча олиб чиқиш ури-нишлари ҳам учраб турибди.

Истамбулга йўл олган зангиоталик Х.Анна холислар иш-тирокида ўтказилган божхона кўриги чоғида инспекторлар олдида ер чизиб қолди. Чунки, у қўл сумкасига беркитган ҳолда 10 минг 90 АҚШ доллари ноқонуний равишда олиб чиқишни қўзғалаган экан.

«Тошкент — Алматы» йўналишида сафарга отланган фуқаро Рискя Хусинова ҳам 27 минг 700 АҚШ доллари ҳамда 20 килограмм нақд хорижий валютани олиб чиқиш уринган пайтда тўхтатиб қолинди. Қонунбузар қўл сумкасидаги нақд орасига моширлик билан яширилган хорижий валюталар ҳамда божхона баённомасида ҳам, озғак сўров пайтда ҳам маълум қилишни гўёки унутиб қўйибди.

«Тошкент — Бангкок» рейси олдида божхоначилар кўзини шамғалатишга уринган латвиялик «меҳмон» А.Тукулсининг республикамиздан 17 минг евро рони яширин тарзда олиб чиқиш «режа»си иш бермади.



Ҳийлалар

Чўкаётган одам хасга ёпишди деганларидек, қонунбузар республикамиз божхона қонунчилигини билмаслигини пеш қилди. Аммо бу жавобгарлик-дан қутулиб қолишга асос бўла олмайди.

Амалдаги тартибларга мувофиқ, фуқароларга умумий оғирлиги 30 граммдан ошмайдиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган бештагача заргарлик буюмларини хориждан ақиди солинимасдан олиб киришга рўхсат берилади. Белгиланган меъёрдан ортиқча олиб қилинган тилла буюмлари учун эса ўрнатилган тартибда божхона тўловлари ундирилиши лозим. Шунга қарамай, мазкур тартибларга риоя қилмасдан, тилла ва заргарлик буюмларини ноқонуний йўллар билан олиб ўтишга уринаётган шахслар ҳам учраб турибди.

«Истамбул — Тошкент» йўналишида парвозини якунлаган наманганлик Сожида Мамадалиеванинг божхоначиларни алдашга қаратилган уришиларини назорат-рентген аппарати чиппақка чиқарди. Монитордаги шубҳали тасвирлар фуқаро Мамадалиева-

га тегишли қўл сумкаси орасида яширилган буюмлар борлигини кўрсатди. Шундан сўнг, сумка холислар иштирокида кўздан кечирилганда, кийим-кечаклар орасига 256 грамм оғирлиқдаги тилла тақинчоқлар яширилгани фош этилиб, жами 68 донна заргарлик буюмларининг умумий қиймати салкам 14 миллион сўмни ташкил этиши аниқланди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 359 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 32 миллиард сўмлик 186 килограммдан ортиқ тилла ва заргарлик буюмларининг ҳамда 1462 та қонунбузарлик ҳолатларида 2,9 миллиард сўм эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Ақдлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» га кўнғироқ қилинг. Ақдлия органларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

№	Ақдлия органи номи	«Ишонч телефони» рақамлари	Махсус «Ишонч телефони»
1.	Ўзбекистон Республикаси Ақдлия вазирлиги	(371) 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09, 236-79-24	008
2.	Қорақалпоғистон Республикаси Ақдлия вазирлиги	(361) 223-34-00, 223-71-93	008
3.	Тошкент шаҳар ақдлия бошқармаси	(371) 262-92-42, 269-14-45, 269-03-98	008
4.	Андижон вилоят ақдлия бошқармаси	(374) 224-45-94, 222-30-89	008
5.	Бухоро вилоят ақдлия бошқармаси	(365), 223-74-16, 223-21-20	008
6.	Жиззах вилоят ақдлия бошқармаси	(372) 771-64-71, 771-64-81, 771-64-82	008
7.	Қашқадарь вилоят ақдлия бошқармаси	(375) 223-01-64, 223-01-76	008
8.	Навоий вилоят ақдлия бошқармаси	(436) 223-80-47, 223-01-38	008
9.	Наманган вилоят ақдлия бошқармаси	(369) 226-51-93, 226-36-62, 226-78-93	008
10.	Самарқанд вилоят ақдлия бошқармаси	(366) 233-04-62, 233-52-31	008
11.	Сурхондарь вилоят ақдлия бошқармаси	(376) 223-26-84, 223-44-35, 223-19-15	008
12.	Сирдарь вилоят ақдлия бошқармаси	(367) 235-09-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50	008
13.	Тошкент вилоят ақдлия бошқармаси	(371) 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02, 280-50-96	008
14.	Фарғона вилоят ақдлия бошқармаси	(373) 224-15-49, 224-30-91, 224-04-87	008
15.	Хоразм вилоят ақдлия бошқармаси	(362) 226-86-47, 226-65-50, 226-17-75	008

E-mail: info@minjust.gov.uz

Мулк ҳуқуқи

аниқроғи, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериш тартиби қандай?

Сўраган эдингиз

Саволга Жиззах вилояти,
Дўстлик тумани нотариуси
Жумабой ЮСУПОВ
жавоб берди.

Нотариус эр-хотиннинг ёзма аризасига мувофиқ, улардан бирига (ёки ҳар иккисига) никоҳ давомида ор-тирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Уй-жойга (уй-жойнинг бир қисмига), квартирага, дала ҳовлига, боғ ҳовлига, гаражга, шунингдек, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома шу мол-мулклар жойлашган ердаги нотариус томонидан берилади. Таъкид-лаш жоиз, гувоҳнома эр-хотин-нинг мавжуд умумий мулки ҳисобланган мулкигагина берилади.

Улушга гувоҳнома берилаётган мулкнинг таркибига кўчмас мулк, автомобилотранспорт воситалари ва махсус ҳисобда турадиган (руйхатга олинмиши керак бўлган) бошқа мулк кирган тақдирда, нотариус ушбу мулк эр-хотиннинг умумий мулки эканлигини текширади.

Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма ари-засига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу хусусида хабардор қилинади.

Ҳабарнома почта орқали юборилади. Меросхўрлар но-тариял идорага келганларида давлат нотариуси уларни

ўз ҳиссасини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг ёзма ариза-си билан таништиради. Бошқа меросхўрлар ўз ҳиссасини талаб қилаётган эр ёки хотин-нинг аризасига рози бўлсалар, бу ҳақда шу аризага имзо қўядилар.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрлар орасида воёга етмаганлар бўлган тақдирда, вафот этган шахснинг эри ёки хотинига умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома воёга етмаганларнинг доимий руй-хатга олинган манзили бўйича васийлик ва ҳомийлик органи-нинг ёзма розилиги билан берилади.

Эр ёки хотинга уларнинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш пайтида улардан биринчи ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирма, унинг вафот этган шахс билан никоҳда бўлганлигини тасдиқлов-чи ҳужжат, эр-хотин мулкни никоҳ давомида орттирилган-ликларини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Нотариус уй, квартира, уй-нинг ёки квартиранинг бир қисмига, автомобилотранспорт воситасига нисбатан берилган эр-хотиннинг умумий мол-мулк-кидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлини-масида, ДИХХХ органларида руйхатга олинмиши ҳақида ёзиб қўяди ва тушунтиради.

Кўпроқ суҳбатлашинг

Тақдиротларда маълум бўлишича, ўз нуқтаи назарларини очиқ-ошкор айтидиган одамлар индамасларга, мум тишлаб ўтиради-ганларга нисбатан ўзларини бахтироқ ҳис этидилар. Албатта, бу озгингизга келган гапни айтивериш керак дегани эмас. Шунчаки ўз нуқтаи назарингизни баён қилишни ва уни ҳимоя қилишни ўрганганингиз бас, бу сизга ўзингизни янада бахтли ҳис этишин-гизга кўмаклашади.

Дўстлар билан кўпроқ учрашиб туринг

Дўстлик — бахтнинг ҳақиқий манбаи. Агар сизда ўзингиз иста-ган маҳал суяна оладиган дўстларингиз бўлса, демак сиз ҳеч қачон ўзингизни ёлғиз ҳис қилмайсиз. Психологларнинг таъкидлашари-га қараганда, аёллар бахтли бўлишлари учун бошқа аёллар билан илққ муносабатда бўлишлари жўз экан. Айрим қарашларга зид тарзда, ҳаётда аёллар дўстлиги кўп ҳолларда эркаклар дўстлиги-дан мустаҳкамроқ эканлиги аён бўлмоқда.

Ўқинг, қизик!

Бахтли бўлишнинг қоидалари

Тақдиротчиларнинг ҳулосаларига қараганда, бугунги кунда биз-нинг бахтли бўлиш салоҳиятимизнинг фақат 50 фоизи ирсияти-мизга боғлиқ. «Бахтли бўлишнинг қоидалари» эса сизни бу бора-даги ўз имкониятларингизни тасарруф этишга, ҳаётдан мамнун бўлишга ва тез-тез қулиб туришга ўргатади.

Ўзингизга ишонинг

Киришимли бўлинг, ўзингизга ишонинг ва ҳеч қачон саргузашт-лардан қўрқманг. Нимадан бошлаган маълум? Мисол учун, эски дўстлар билан бирон хиббонгами, боққами сайрга борган маъ-кул. Маза қилиб дам олинг, ҳазиллашинг, туйғуларингизни ошкор этишдан уялманг.

ADOLAT
ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ
ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмаиля САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазбир ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қолир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Мухаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан руйхатга олинган.

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

«Шарқ» НМАК бошқармасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 1100. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3811. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.45

1 2 3 4